



Куръони Карим киёматга кадар ўзгармайдиган илохий Китоб бўлиб, унинг мухаббати мусулмонлар калбини забт этиб келади. Шунингдек, ушбу илохий Китоб хакида мусулмон олимлардан ташкари, номусулмон олимлар ҳамда Куръонни ўрганиб чикканидан сўнг Исломга кирган бир канча соха вакиллари ҳам талайгина. Улар Куръони Карим хакида бир-биридан гўзал сўзларни айтганлар. Куйида эътиборингизга шундай инсонларнинг Куръон хакидаги фикрларидан иктибослар келтирамыз.

«Мен Куръони Каримни ўрганиб чикдим. Мақсадим, Куръон матнлари ҳамда замонавий илм кашфиётлари орасидаги мувофиқлик даражасини тадқиқ қилиш эди. Унда замонавий илмлар тарафидан танқид қилиниши мумкин бўлган биронта сўз йўқлигига амин бўлдим» Морис Бокай (франциялик олим).

«Кайсидир замонда Таврот инсонни тўғри йўлга бошловчи ва хаёт йўлининг асоси бўлган. Ийсо алайхиссалом келгач, Инжил таълимотларига эргашилди. Кейин Куръон

иккаласининг ўрнига келди. Шунингдек, у уларда содир бўлган ўзгариш ва бузилишларни тузатди. Куръон ҳамма нарсани ўз ичига олган. Ҳамма конунларни ўзида жамлаган. Чунки у самовий китобларнинг охиригисидир» Вашингтон Ирвинч (америкалик шаркшунос).

«Куръон раҳмдиллик ва покликка ҳамда юксак ахлоқ йўлларига чакиради».

«Аллоҳ таоло халифа Усмон (розияллоху анху)ни фазл-марҳамати билан тақдирлади. Яъни Усмон (розияллоху анху) Куръон нусхаларининг кўплиги сабабли пайдо бўладиган хатарларни бартараф қилишга ҳисса қўшди. Мусулмонлар ўзларига нозил қилинган китобларининг матнлари у тарафидан жамланганлиги тўғрисида авлодлар оша бир китобга эътиқод қилиб келмоқдалар».

«Албатта, Куръон факатгина маъно ва таълимотлари билан мўъжиза бўлиб қолмай, уни, аввало, инсоният тақдим қилган ва улуглаган тўғрисида олиёғиб бўлган гўзал адабий тўғрисида дейиш мумкин. Халифа Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху) бошланишда янги динга қарши қаттиқ қўрашувчилардан бўлишига қарамай, Куръондан бир парча эшитганидан кейин ушбу дин ёрдамчиларининг баҳодирларидан бирига айланди».

«Эъжоз (Куръоннинг мўъжизакорлиги ҳамда ожиз қолдирувчи экани) – Мухаммад (соллаллоху алайҳи васаллам) ва у Зотнинг сўзларини тасдиқловчи мўъжизадир» Р. Блашер (Франция).

**Ҳабибуллоҳ Жўрабоев**

